**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Бухоро давлат университети**
**Филология факультети**
**Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси**

# ЭЛ ДУРЛАРИН ҚАДРЛАГАН ОЛИМА

Республикамизда танилган фольклоршунос олима, филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраеванинг 55 йиллигига бағишланади

**“Дурдона” нашриёти**
**Бухоро – 2021**

https://buxdu.uz

Ушбу тўплам республикамизда танилган фольклоршунос олима, филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраеванинг 55 йиллиги муносабати билан тартиб берилган. Китоб устозлар, дўстлар, ҳамкасблар, шогирдлар ва яқинларининг олима ҳақидаги дил сўзларидан таркиб топган.

**Масъул муҳарир**:
ф.ф.д, проф. Дилрабо Қувватова

**Тақризчилар:**
ф.ф.д, доц. Дилшод Ражабов,
ф.ф.д, доц. Ҳусниддин Эшонқулов,
ф.ф.н., доц. Маърифат Ражабова

**Тўплаб, нашрга тайёрловчилар**:
ф.ф.ф.д. Отабек Файзуллаев,
ўқит. Акмал Жумаев,
ф.ф.ф.д. Наргиза Кадирова

**Университет илмий кенгашининг 2021 йил 4-майдаги 14-сон йиғилиши қарори асосида нашрга тавсия этилган.**

https://buxdu.uz

масъулиятлилик, самимийлик, меҳрибонлик, бағрикенглик, хокисорлик, илмга фидойиликни кўрамиз.

Бугун устозимизнинг умр йўли, ҳаётдаги ўрни, зиммасига олган масъулияти ҳақида жуда кўп сўзлаш мумкин. Устозимизнинг таваллуд санасида шунчаки сўз топиб табриклаб бўлмас экан, унинг салоҳияти ва мақомини муносиб равишда баҳолаб, чин дилдан самимий қутлаймиз. Ўз соҳасини мукаммал эгаллаган Дармоной Ўраевага ҳар жиҳатдан саодатли ва омадли ҳаёт, узоқ ва мазмунли умр тилаб қоламиз. Ажойиб фазилатлар эгаси, зиёли, билимли ва меҳри оқар чашмадек тўлиб-тошган инсон, меҳрибон устозимизга назарий ҳам амалий, илмий ва ижодий ишларига омад, мустаҳкам соғлик тилаймиз. Узоқ йиллар шогирдлар ардоғида бўлиб, фарзандлари камолини кўриб юришларини Оллоҳдан сўраб қоламиз. Адабиётшунослик илмининг равнақига ўз ҳиссасини муносиб равишда қўшиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган устозимизга ижодий баркамоллик тилаймиз.

## ЧИНОРГА БЎЙЛАШГАН ЧИНОР

**Амонов Улуғмурод Султонович,**
*Филология фанлари бўйича фалсафа доктори*
*БухДУ катта ўқитувчиси*

Доно халқимизнинг илм, устоз ҳақида гўзал ҳикматлари бор. Масалан, “Устоз отангдай улуғ”, “Ақл кўпга етказар, илм кўкка етказар” каби мақоллари бунга мисол бўлади. Ҳа, қадим Шарқда устоз-шогирд муносабати, маданияти, эҳтироми, бурч ва масъулияти, маънавий падар ва фарзанд мақоми каби иймон, инсоний муносабатларга йўғрилган анъана бор. Одам боласининг неча йил яшагани эмас, қандай яшагани муҳим. Инсоннинг эзгу ишларини давом эттирувчи солиҳ-солиҳа фарзандлари, шогирдлари унинг иккинчи – боқий ҳаётидир.

Устоз Охунжон Сафаров чин маънода бахтли устозлардан биридир. Ортларидан солиҳ, илмли фарзандлар ва юртимиз, миллатимиз илм-фани, таълимининг ривожи



https://buxdu.uz

учун хизмат қилаётган шогирдлар қолдирди. Устознинг жуда кўп шогирдлари бор, лекин шогирдлари ичида Дармоной Ўраеванинг ўрни жуда баланд. Раҳматли домламизнинг Дармоной опа ҳақида “Саодат – шогирд камолининг сарчашмаси” мақолаларида биз шогирдлар учун ибрат бўладиган, ҳавас қиладиган шундай эътирофлари бор: “Оллоҳга шикроналар бўлсинким, мени ҳам қувонтира оладиган, билимдон, заковатли, маҳоратли ва саодатли шогирдларим бор. Шулардан бири – тўнич фарзандим мени оталик мақомига қандай эриштирган бўлса, тўнғич шогирд сифатида устозлик мақомига эришувимга шу хилда йўл очган шогирдим, заҳматкаш фольклоршунос, меҳрибон муаллима ва уй бекаси, филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраеванинг илмий-ижодий, педагогик ва жамоатчилик фаолиятига оид айрим исбот ва мулоҳазаларимни айтмоқни лозим топдим” [1.316]. Назаримда, камдан-кам шогирдларга бундай юксак эътироф, “фарзандлик мақоми” ҳамда устозлик мақомига эриштирган шогирд мақоми насиб қилади.

**Устоз ва шогирд – ўзбек ва туркий халқлар фольклоршунослигининг назариётчилари.** Охунжон Сафаров ва Дармоной Ўраевалар илмий-ҳаётий фаолияти билан таниш ҳар бир зиёли уларнинг юрт, миллат тадирига, илм-фанига, ўтмиши ҳамда келажагига бефарқ эмаслигини англайди. Уларнинг серқирра фаолиятида муштарак қирралар кўп. Масалан, ҳар икковларини Одам Ато билан тенгдош адабиёт – халқ оғзаки ижодига бўлган муҳаббат бирлаштиради.

– Охунжон Сафаров ўзбек халқ озаки ижодининг жонкуяри сифатида илм аҳлини халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплашга даъват этади, ўзи эса Бухоро, Зарафшон воҳаси, умуман, бутун мамалакат миқёсида фольклор материалларини тўплаб “Бойчечак”, “Мавриги”, “Алла-ё алла” каби ўнга яқин тўпламларни ношир сифатида чоп этди. Худди шундай, кенг илм жамоатчилигида Дармоной Ўраева ҳам халқ озғаки ижоди намуналрини тўпловчиси, ношири



https://buxdu.uz

ҳамда фундаменталь тадқиқотчиси сифатида танилган ассос олимадир.

– О.Сафаров “Ўзбек болалар поэтик фольклорининг жанрий таркиби ва бадиияти” мавзусидаги докторлик диссертасиясида Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси В.М.Гацак (“Иттифоқ халқлари фольклоршунослиги доирасида бу соҳада яратилган биринчи ва ягона”), фольклоршунос олим Масетов (“бутун бир кашфиёт”), устози профессор Т.Мирзаев (“Болалар фольклорини яхлит тизим тарзида ўрганиш намунаси”)ларнинг эътирофига кўра, ўзбек болалар фольклорига тегишли 24 та жанрни фарқлаб асослаб берди. Шогирди Д.Ўраева ҳам устозининг йўлидан бориб, нафақат ўзбек фольклоршунослигида, балки туркий халқлар, шунингдек, араб давлатлари фольклоршунослигида биринчи бўлиб, 2005 йилнинг 23 ноябрида ЎзФА А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институнинг Ихтисослашган илмий кенгашида “Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти” мавзусидаги докторлик диссертатсиясини ёқлаб, киши руҳиятига ниҳоятда каттиқ таъсир қиладиган, ўзбек мотам маросими қўшиларини жанрий таркибини тасниф қилиб, йиғилар, йўқловлар, мотам ёр-ёрлари, ўлим аллалари ва ашурий каби жанрларни аниқлади, назарий жиҳатдан асослади [1.319].

– **Устоз ва шогирд ҳам муаллиф.** Устоз Охунжон Сафаров ва Дармоной опамни ҳар бир мақола-ю, асарлари илм аҳлининг диққат марказидадир. Уларнинг тафаккур оламидан қоғозга кўчган ҳар бир асар фан ва таълим илмий-маърифий, маънавий равнақи учун хизмат қилган десак, муболаға бўлмайди. ҳаммуаллиф сифатида яратган илмий асарларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, устоз ва шогирдлар – О.Сафаров ва Д.Ўраевалар ҳаммуаллифликда 7 та дарслик ҳамда ўқув қўлланма яратишган. Улар: “Ўзбекистон халқлари этнографияси ва фольклори” (Маданият ва санъат касб-ҳунар коллежлари учун дарслик. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2007. М.Қурбонова билан ҳамкорликда), “Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси” (Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Алоачи”, 2008. Т.Мирзаев билан



https://buxdu.uz

ҳамкорликда), "Ўзбек халқ оғзаки ижоди" (Университет ва педагогока институтларининг филология факультети бакалаврлари учун дарслик. – Тошкент, 2010. Изоҳ: Муаллиф – О.Сафаров дарсликнинг яратилишига Дармоной Ўраеванинг хизматинин алоҳида эътироф этган), "Бўзлардан учган ғазал-ай" (Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2004. – 128 бет.), "Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди" (Усулий қўлланма. I қисм. – Бухоро, 2006. – 176 бет.), "Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди" (Усулий қўлланма. II қисм. – Бухоро, 2006. – 152 бет.). Қолаверса, М.Жўраев билан ҳаммуаллифликда "Ўзбек мифологияси" (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги грифи билан университетларнинг 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавр таълим йўналишининг 4-курс талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Наврўз, 2019. – 508 бет.).

Иккинчиси, маслакдош, ҳамфикр сифатида ўнга яқин илмий мақолалар ёзишган. Улардан айримлари: Маросим олқишлари ҳақида ("Ўзбек маросим фольклорининг ўрганишнинг янгича тамойиллари" мавзуидаги республика илмий-назарий конференция материаллари. – Навоий, 2007. – Б.15-18.), Халқ насри тадқиқотчиси (Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 2007. – №2. – Б.29-36.), Эстетическая функция эпитетов золота и серебра в узбекских народных песнях. (Материалы республиканской научно-технической конференции «Истиқлол» (с международным участием). «Геотехнология: инновационные методы недропользования в ХХИ веке». – Москва-Навоий. 25-27 сентября 2007 года. – С.447-451.), Инсон хотирасини эъзозловчи халқ қўшиқлари – ҳикматлари (Бухоро. "Бухоро" нашриёти, 2004.–Б. 3–10.), Ўзбек халқ қўшиқларида олтин ва кумуш сифатлашларининг эстетик вазифаси (Бухоро давлат университети илмий ахбороти.– Бухоро.–2009. –№1.–Б.42-46.).

**Устоз тафаккур оламининг тарғиботчиси.** Дармоной Ўраева устозининг нафақат илмий мактабининг сардори, балки илмий-ижодий фаолиятиниг тарғиботчисидир. Фикримизнинг далили сифатида домланинг йиллар



https://buxdu.uz

давомида эълон қилинган ишларидан айримларини келтирамиз:

– Шогирдлар ифтихорига айланган устоз ( О.Сафаровнинг 70 йиллик юбилейига) (Бухоро давлат университети илмий ахбороти.–Бухоро.–2010.–№1.–Б.33-38. Б.Жамилова билан ҳаммуаллифликда);

– Фидойи устоз ибрати ( “Бухорономa” газетаси.–Бухоро.–2010. – 4 апрель, (28). – Б.6. Ш.Ахмедова билан ҳаммуаллифликда);

– Ҳам мураббий, ҳам олим (“Маърифат” газетаси. – Тошкент. – 2010.–7- апрель. – Б.3. Д.Қувватова, Б.Жамиловалар билан ҳаммуаллифликда);

– О.Сафаров – дарсликлар муаллифи. ( “Маърифат” газетаси. – Тошкент.–2010.– 25 апрель.–Б.2. Д.Қувватова, Б.Жамиловалар билан ҳаммуаллифликда);

– Болалар адабиётининг серқирра тадқиқотчиси (Педагогик маҳорат.– Бухоро.–2010.–№1.–Б.70-72. Ф.Сафаров, У.Амоновлар билан ҳаммуаллифликда);

– Ўзбек фольклори бўйича янги дарслик (Ўзбек тили вадабиёти.–Тошкент. – 2011.–№2.–Б.104-106.);

– Элни деб кезган олим (Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро. – 2016. – № 4. – Б.95-100. Д.Ражабов билан ҳаммуаллифликда).

Қолаверса, Д.Ўраева тингловчилари – талабалар, ўқитувчиларга дарсга кирганда маърузаларида, турли рисолаларида, мақолаларида, шогирдларининг илмий тадқиқотларида устозининг фаолиятини оммалаштиряпти.

Хуллас, Дармоной опам ўзининг бой, фольклор сингари ўлмас илмий-маърифий ижоди билан биз шогирдлар ва баркамол авлод тарбияси учун ҳормай-толмай хизмат қиляптилар.

**Эътироф.** Дармоной Ўраева бугунлик кунда устоз Охунжон Сафаров асос солган Бухоро фольклор мактабининг сорбонидир. Биз шогирдлар учун у кишининг устозга бўлган эҳтироми, ҳурмати, садоқати, муносиб издошлиги – ҳеч бир дарсхонада ўргатилмайдиган афиф муносабатлари ибрат мактабидир.



https://buxdu.uz

Мен учун катта шараф: икки буюк устознинг шогирдларидан бириман.

**Адабиётлар:**

1.Сафаров О. Фольклор – бебаҳо хазина. – Тошкент: “Муҳаррир”, 2010. – 316 б.

2.Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент, “Фан”, 2004. – Б.120.

## АРДОҒИМДАСИЗ, АЗИЗ УСТОЗИМ!

**Касимова Раъно Рахматуллоевна,**
**филология фанлари бўйича**
**фалсафа доктори (PhD), доцент**

Таълим-тарбия инсоннинг илк дунёга келган кунидан ўлимига қадар давом этадиган жараёндир. Бунда мурғак гўдакни биринчи соатларданоқ асраб-авайлаб, улғайтирадиган зот она бўлса, мактабга қадам қўйганида унинг жажжи қўлчаларига ручка тутқазиб, ёзишни, ҳарфни танишни ўргатадиган инсон устоз ҳисобланади. Бешикдан қабргача илм изланар экан, инсон ўз ҳаёти давомида мактабгача таълим, мактаб, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим босқичларни узвий давом эттиради ва ҳар бир босқичда унга маънавият ва маърифатдан, илмдан, ахлоқ-одобдан сабоқ берувчи устозлар ҳамроҳ бўлишади.

Ҳаётим давомида менга илм-маърифатни ўргатган барча устозларимга миннатдорчилик билдирган ҳолда, мени илм йўлига олиб кирган, илмий изланишларимга раҳбарлик қилган устозим Дармон Саидахмедовнани алоҳида эътироф этмоқчиман.

Устоз Дармоной Саидахмедовнада жамики эзгу фазилатлар, самимийлик, оққўнгиллик, инсонпарварлик, сабр-бардошлилик, матонатлилик мужассам. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациям устида илмий изланишларим жараёнида устоз жонкуярлик билан менга йўл кўрсатиб, ёзган ҳар бир мақоламни таҳрирдан ўтказганлар. Шу ўринда, бир воқеа ёдимга тушди. 11 февраль, 2016 йил. Соат кеч 23:00. Ҳаво жуда совуқ, қор ёққан. Биз эса



https://buxdu.uz

# МУНДАРИЖА

Обиджон Хамидов. Заковатли олима ва маҳоратли педагог .... 3
С. Қ. Қаҳҳоров. Ҳурмат ва эъзозга лойиқ муаллима ........................ 5
О.С.Қаҳҳоров. Фидоий устозга эҳтиром ................................................ 7

**УСТОЗЛАР ЭЪТИРОФИ ........................................................................ 9**
О.Сафаров. Садоқат – шогирд камолининг сарчашмаси .............. 9
Маматқул Жўраев. Дармоной Ўраеванинг илмий ижоди ва унинг ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида тутган ўрни ........................................................................................................... 15
Salima Mirzayeva, Zilola Eshanova. Ilmni e’zozlagan ayol .............. 25
Тўлаганова Захира, Тўлаганова Дилфуза ва Абдуқобил Тўлагановлар оиласи. Табаррук ёшингиз билан .......................... 28
Жума Ҳамроҳ, Акмал Шерназаров. Севимли халқининг ижодини тадқиқ этган олима ............................................................. 29
Нафас Шодмонов. Замонамиз орифаси ............................................ 34
Шавкат Ҳасанов. Саодатга элтувчи йўл ............................................ 39
С.С.Саидов, Д.Ҳ.Каримова. Эҳтиромга лойиқ истеъдод ............. 40

**ҲАМКАСБЛАР ВА ДЎСТЛАР ЭҲТИРОМИ ............................... 43**
Дилрабо Қувватова. Илм ва одамийлик нурига йўғрилган умр .......................................................................................................... 43
Шоҳида Шаҳобиддинова. Дўстим Дармон ........................................ 58
Д.З. Ражабов. Барчиной опам (ҳаётий эртак) .................................. 58
Ҳилола Сафарова. Устоз назари тушган шогирд ........................... 60
Islomjon Yoqubov. Qurb va imkon kengliklari .................................... 63
Сариев Санъатжон Матчонбоевич. Фольклоршунослик дарғаларига муносиб издош ............................................................... 68
Abuzalova Mehriniso Kadirovna. O'zbek folklorshunosligining fidoyi qizi ............................................................................................................ 70
Ғайрат Муродов. Илм саодати .............................................................. 72
Hayitov Shavkat Ahmadovich. “Osuda andin yoru ag`yor …” ......... 75
Nazarova Saida Axmedjanovna. Men tanigan Darmonoy O‘rayeva ...................................................................................................... 81
А.А.Ҳайдаров. Илмга бахшида умр ...................................................... 82



https://buxdu.uz

Қурбонова Манзила Бакиевна. Бухоро элининг фольклоршунос олимаси ........ 84
Гулчеҳра Имомова. Хокисорим – қиёматли синглим ........ 85
Шаҳноза Қаҳҳорова. Фариштадан аъло опам ........ 89
Шоҳида Каромова. Фахру эътирофга лойиқ аёл ........ 91
Dilorom Yo‘ldosheva. Dilkash ayol haqida ikki og‘iz so‘z ........ 93
Хонзода Қўзиева, Меҳринисо Киличева. Илм аҳлининг дармони бўлган Дармоной ........ 95
Байрамали Қиличев. Бахтиёр олима ........ 97
Гадоева Мавлуда Ибрагимовна. Қиёсий фольклоршунослик тараққиётида Дармоной Ўраеванинг ўрни ........ 98
Ражабова Маърифат. Илтижойим, бер муродин, Дармонойимни Эгам! ........ 101
Амонова Зилола Қодировна. Исми ҳаёт йўлига туташ олима ........ 106
Жамилова Башорат. Агар устоз андин рози, тенгри розидир... ........ 107
Шарипова Лайло. Эътирофга лойиқ олима ........ 112
Гулбаҳор Худойназарова. Илмига ҳавас қилган дугонам, ҳавасларим эвазига тутинган дўстим ........ 114
Бекова Наззора. Бетакрор олима опамиз ........ 116
Латифа Худайқулова, Шаҳодатбону Имомназарова. Зиёли аёл миллатни тарбиялайди ........ 119
Зебинисо Расулова, Мунис Жўраева. “Катта юрак” соҳибаси ........ 121
Йўлдош Раҳматов. Устоз йўлини тутмоқ – шогирд иқболи . 124
Насиба Турсунова. Инсонийликнинг энг олийжаноб хислатлари ........ 129
Меҳринисо Ризаева. Фольклоршунос олима ........ 131
M.Y.Ro’ziyeva. So’zida sehri, ko’zida mehri bor ustoz! ........ 132
Hasanova Gulnoz Qosimovna. Ustozga bag`ishlab dil izhorlarim ........ 135
N.I.Gaybullayeva. Sabrdan sayqallangan olima ........ 138
Ҳаёт Латипов. Устоз ........ 139
Қодирова Насима Саидбурхоновна. Таъзим сизга, азиз устоз... ........ 140



https://buxdu.uz

Тўраева Умринисо Раҳматовна. Олим бўлсанг, олам сеники... 142
Сайлиева Зарина Рахмиддиновна. Илк таассурот 144
G.N. Isoqova. El ardog’idagi olima 146

**ШОГИРДЛАР ЭЪЗОЗИ 147**

Ободон Адизова. Беназир инсон, фидоий олима, меҳрибон устоз 147
Амонов Улуғмурод Султонович. Чинорга бўйлашган чинор 149
Касимова Раъно Рахматуллоевна. Ардоғимдасиз, азиз устозим! 154
Отабек Файзуллаев. Бухорои шариф илм-фан бўстони ворисларидан бири 155
М.М. Жўраева. Устозга эҳтиром 156
Адизова Нигора Бахтиёровна. Қалби пок, меҳри дарё устоз 159
Барно Мирзаева. Зукко олима 161
Акмал Жумаев. Меҳрибон она, қадрли устоз ва салоҳиятли олима 162
Қодирова Наргиза. Барча учун севимли, фидоий, камтарин ҳамда жонкуяр устоз 164
Samandar Xudoyev. Mahoratli olim va mehribon ustoz 165
Нафосат Ўроқова, Рўзигул Қодирова. Илм уммонининг гавҳари 166
Sherali Turg‘unov. Ustozga tabrik 169
Раъно Ражабова. Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар 170
Яраш Рўзиев. Одам борки, одамларнинг нақшидир 173
Лайло Тўраева. Бир умр таъзимдаман 174
Хаитов Хамза Ахмадович. Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё 176
G.P.Nazarova, S.H.Akhmedova. A true successor to folklorists 179
Қодирова Машҳура, Ўраева Мақсуда. Тадқиқотларида фольклордан таълимда фойдаланишни тарғиб этган олима 183
Хамидова Муборак Хафизовна. Устоз юксак маънавият тимсоли 186



https://buxdu.uz

Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна. Халқ оғзаки ижодининг етук билимдони ..... 188
Шарипова Маҳбуба Бахшиллоевна. Шогирдлар камолин кўзлаган устоз ..... 190
Ш.Ш.Низомова. Илмдан нур излаган фидойи фольклоршунос олима ..... 191
Нозима Джумаева. Ибратли олима ва фидойи инсон ..... 193
Абдуллаева Набия Идрисовна. Минг асрга татигулик меҳнат заҳмати, фидойилик ибрати ва жонкуярлик сиймоси бўлган олима аёл ..... 195
С.М.Нуруллаева. Устознинг “сеҳрли китоби” ..... 197
Соҳибова Зарнигор Нусратиллоевна. Суҳбатларда ҳаёт сирлари ..... 198
Насиба Норова. Маънавият ганжидаги ойсиз устоз ..... 201
Рустамова Гавҳар Баҳрон қизи. Бошлар эгиб, таъзим айланг устозларга! ..... 201
Шербекова Гавҳар, Шомуродова Сунбула. Бухоро фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг долзарб муаммолари Дармоной Ўраева нигоҳида ..... 203
Ҳамроева Дилфуза. Дармоной Ўраева – халқ қўшиқлари тадқиқотчиси ..... 206
Эргашев Ж.Ю. Шариф шаҳар Бухоронинг фолклоршунослик мактаби давомчиси ..... 207
Karimova Laylo Izzatullayevna. Suratida siyrati aks etgan ayol. 211
Ҳикматова Нигина Акмаловна. Устоз ишончининг саодати 214
Муниса Узакова. Қалби меҳр, ақлу шуури илм билан безанган устозим ..... 215
Marjona Teshayeva. Umri ezgulikkka esh insonlardan biri ..... 216

**ЯҚИНЛАР ДИЛ ИЗҲОРИ ..... 220**
Мавлонов Анвар Аҳмадович. Буюк қалб соҳиби ..... 220
Ўраева Гулшан Саидахмедовна. Грамматика – иккинчи математика ..... 221
Gulshod Saidaxmedovna O’rayeva. Ham opam, ham ustozim, ham maslahatchim ..... 224
Насиба Рабоева. Мусофирлигимда дардимга дармон, қалбимга малҳам бўлган опахонимиз ..... 231



https://buxdu.uz